



# ЎЗБЕГИМ

Маърифий газета

2 (33) - сон # Июль, 2012

2005 йил август ойидан чоп этилмоқда

Газета бепул тарқатилади

## Тил билмаган ўз ҳуқуқини ҳимоя қилолмайди

**“ Ў з б е г и м ”**  
**т а х р и р и я т и**  
**т а к л и ф и г а**  
**кўра,** **Россия**  
**Федерал Миграция**  
**Хизматининг**  
**и н т е г р а ц и я г а**  
**кўмаклашиш**  
**Бошқармаси**  
**бошлиғи Татьяна**  
**Алексеевна Бажан**  
**ишчи мигрантлар**  
**муаммолари ва**  
**унинг ечимларига**  
**доир мулоҳазаларини**  
**билдирди.**

Россияда кўплаб хорижий давлат фуқаролари меҳнат қиладилар. Бизда ишлаётган ишчи мигрантлар аввало

она юртида яшаётган оила аъзолари учун иқтисодий кўмак таянчидир. Шу билан бирга улар Россия, шунингдек, ўз мамлакати иқтисодиёти ривожига салмоқли ҳисса қўшадилар. Ишчи мигрантларнинг меҳнати эъозланган, уларнинг манфаатлари ишончли ҳимояланган бўлмоғи лозим.

Лекин мигрантнинг ҳаёти ва меҳнатида муаммолар кўп. Айрим ишчиларнинг ўз вақтида маошини ололмаётгани, ҳар қадамда уларнинг ҳуқуқлари поймол бўлаётгани ҳам сир

эмас. Шуни назардан соқит қилмаслик лозимки, мазкур



муаммоларнинг пайдо бўлишига биргина амалдорнинг коррупция ботқоғига ботгани ёки иш берувчининг в и ж д о н с и з л и г и сабаб бўлолмайди. Минг а ф с у с , Россияга иш ахтариб

келаётганларнинг кўпчилиги мамлакат миграция қонунчилиги, маҳаллий халқнинг урф-одатлари, маданияти ва россияликлар жамиятидаги одоб-ахлоқ нормаларидан беҳабардирлар. Энг муҳими, мигрантларнинг аксарияти бу ерда яшаб ва меҳнат қилиш учун зарур бўлган энг муҳим омил - давлат тили, яъни рус тилини билмайдилар.

Нима учун мигрант уни қабул қилган мамлакат тилини билиши керак? Жавоби оддий: тил билмасдан

*давоми 2-бетда*

## Уч босқичли концепция

Россия Президенти Владимир Путин Федерал Миграция Хизмати ташкил топган куни арафасида 2025 йилгача давлат миграция сиёсати Концепциясини имзолади ва Федерал Миграция Хизмати бошлиғи Константин Ромодановский билан бу борадаги асосий йўналишларни муҳокама қилди. Концепция уч

босқичдан иборат бўлиб, биринчи босқич (2012-2015 йиллар) меъёрий актлар, дастурлар ишлаб чиқиш, иммиграцияга кўмак берувчи марказлар ва мигрантлар учун инфратузилмалар яратишни ўз ичига олади. Иккинчи босқич эса (2016-2020 йиллар) – миграция сиёсатидаги асосий йўналишлар билан боғлиқ дастурларни

амалга оширишдан иборат. Унда 2021 йилга бориб Сибир ва Узоқ Шарқ ўлкаларидан аҳолининг кўчиб кетишини тўхтатиш назарда тутилган. Сўнгги босқич (2021-2025 йиллар) қабул қилинган дастурларга амалий баҳо бериш ва келгусидаги мақсадларни аниқлашни ўз ичига олади.

**Манба:**

**«Российская газета»**

## Ушбу сонда:

Миграция қонунчилиги кучайтирилмоқда

**3-бет**

“Простор” лойиҳаси

**5-бет**

Москванинг барпо этилиши

**7-бет**

Таниш эркак

**12-бет**

Биласизми..?

**15-бет**

## Тил билмаган ўз ҳуқуқини ҳимоя қилолмайди

*боши 1-бетда*

Ўз ҳақ - ҳуқуқларингни ҳимоя қилолмайсан!

Дарҳақиқат, рус тилини билмаган чет эллик фуқароси иш берувчи билан ўз ҳуқуқ ва вазифалари аниқ белгиланган иш шартномасини туза оладими? Албатта, бундай мигрант унга нисбатан мамлакат қонунчилигида белгиланган ҳуқуқларни билмайди, кези келганда судда ўз манфаатини ҳимоя қилолмайди. Ва ниҳоят, тил билмаган инсон уни қабул қилган жамиятнинг маданий қадриятларини билмайди, маҳаллий халқ билан мулоқотда бўлолмайди.

Яна бир муҳим муаммони унутмаслик лозим. Бу- ишлаб чиқаришдаги чет эллик ишчининг ҳаёти ва саломатлиги ҳимояси муаммосидир. Кўп жойларда мутахассислиги кам ёки оддийгина техник хавфсизлик қоидаларини билмайдиган мигрантларнинг ишлаётганига гувоҳ бўламиз. Тил билмаслик бу ерда ҳаттоки фожиали оқибатларга олиб келиши мумкин, зеро иш берувчи ёлланган кимсага меҳнат хавфсизлиги у сулларини тушунтиролмайди.

Бошқа мамлакат ш а р о и т и г а мослашмаган инсонлар кўпинча имонсиз ўртақашлар қурбонига айланиб, ноқонуний



иш юритишга мажбур бўлмоқдалар.

Бу ҳолат бир қарашда арзимасдек туюлиши мумкин. Лекин, айнан шундай вазият оқибатида айрим одамлар Россиядан маъмурий жазо сифатида мамлакатга қайтиб беш йил кироламаслик шарт билан депортация қилинмоқда.

Муаммонинг қандай ечими бор? Биринчидан, мигрантлар аввало келган мамлакатдаги қонун қоидаларни яхши билганларидагина, уларнинг яшаш ва меҳнат қилиши қулай бўлишини билишлари лозим.

Иккинчидан, Россия ва бошқа давлатларда мигрантларнинг тайёрлаш учун шароит яратиш зарур. Тайёргарликнинг

муҳим қисми эса уларга рус тилини ўргатишдир. Бу масаланинг нақадар долзарблигини бугунги кунда давлат маҳкамалари ва фуқаролик жамияти институтлари яхши тушунадилар. Яқин орада Россия миграция қонунчилигига мигрантларнинг рус тилини билиши борасида ўзгаришлар кiritилиши кутилмоқда.

Россиянинг турли ўлкаларида мигрантлар учун 234 та рус тилини ўргатиш курслари фаолият кўрсатмоқда. Улардан элликтаси бепулдир. Бундай курсларда чет эл фуқаро

рус тилини ўрганишдан ташқари, жамиятнинг маданий қадриятлари, удумлари, миграция қонунчилигига доир нормаларни ҳам ўрганади.

Бундай курсларнинг доираси биргина Россия билан чегараланмаган. Масалан, Россия Федерал Миграция Хизмати ташаббуси билан Тожикистонда бўлажак ишчи мигрантларга маълум касблар доирасида рус тилини ўргатиш лойиҳаси амалга оширилди. Бундек лойиҳа Қирғизистоннинг Ўш шаҳрида ҳам фаолият кўрсатмоқда. Тожикистондаги тил ўргатиш курслари “Қизил Яримой” жамияти ва катта ёшдаги одамларнинг саводхонлиги Маркази ҳузурида фаолият кўрсатмоқда. Бу каби ишлар бошқа мамлакатларда ҳам олиб борилмоқда.

Демак, чет эл фуқароси бошқа мамлакатда қулай шароитда ишлаш ва ҳуқуқий ҳимояланган бўлиши учун у аввало шу мамлакатнинг қонунчилигини билиши, жамиятнинг миллий, маданий қадриятларини ҳурмат қилиши лозим. Бунинг учун эса у аввало шу мамлакатнинг давлат тилини ўзлаштиришга ҳаракат қилиши керак.

## Миграция қонунчилигини бузаётганларга қарши чора -тадбирлар кучайтирилмоқда

Россия Давлат Думасининг ҳавфсизлик ва коррупцияга қарши кураш қўмитаси бошлиғи Ирина Яровая парламент муҳокамасига “Миграция қонунчилигини бузганларга қарши чора-тадбирларни кучайтириш” борасида қонун лойиҳасини тақдим этди, дея хабар беради РИА Новости.

Жумладан, ҳужжатда миграцияга доир қонунларни бир неча бор бузган чет эллик фуқаросини Россия Федерациясига 5 йилдан 10 йилгача киритмаслик таклиф этилади. “Ушбу қонунчилик ташаббуслари “Единая Россия” фракциясининг “йўл ҳаритаси” доирасида тайёрланган бўлиб, бевосита ноқонуний миграция оқимига қарши кураш, жамият ҳавфсизлиги, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий раванқи, фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган”, - деди Ирина Яровая.

Депутатнинг сўзларига кўра, қонунчиликдаги ташаббуслар энг муҳим муаммоларни ҳал этишга қаратилган. “Гап “резинали хонадонлар”, ноқонуний меҳнат ресурсларини жалб қилиш, иш берувчиларнинг

одоб-ахлоқи ҳақида бормоқда”, деб таъкидлайди Яровая. Лойиҳада “Чет эллик фуқаро ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни ноқонуний ишга жалб қилиш” билан боғлиқ РФ Жиноий Кодексининг 322 (2)-моддасини тўлдириш



таклиф этилади. Ушбу қонунни бузган шахсдан 200 минг рублгача жарима ундирилади ёки 360 соат мажбурий ишга жалб қилинади, шунингдек, бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки маълум амални эгаллаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда икки йилгача мажбурий меҳнатга жалб қилинади.

Шунингдек, Жиноят Кодексига янги 322 (3) - модда киритилади. Модда “чет эллик фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларга ноқонуний турар жой ва бўш иморатларни бериш” билан боғлиқ бўлиб,

қонунни бузган шахс 200 минг рублгача жарима тўлайди. Бордию, бундай ҳаракат уюштирилган гуруҳлар томонидан содир этилса, гуруҳ аъзоларидан 300 минг рубль жарима ундирилиб, уч йилгача озодликдан маҳрум

этилиши мумкин.

Депутат мамлакатда ҳар йили 3 миллиондан 5 миллионга яқин чет эл фуқароси расмий руҳсатномасиз иш юритаётганини таъкидлайди. Ноқонуний ишга жалб қилаётган иш берувчилар нолегал миграция оқимини юзага келтиришдан ташқари, мазкур фуқароларнинг ҳуқуқлари кўпол равишда поймол қилмоқдалар.

Яроваянинг сўзларига кўра, Россия Федерал Миграция Хизмати ходимлари ҳар йили (юздан икки юз ва ундан ортиқ) чет элликларни регистрация қилаётган

6 мингдан ортиқ манзилни аниқламоқда. Ушбу соҳадаги бетартибликка чек қўйиш мақсадида, чет эллик фуқарони қайд этиш чоғи РФ Турар жой кодексига ҳар бир одамга мўлжалланган норма ҳисобга олинади. Чет элликларнинг аксарияти қурилиш соҳасида ишлаётганлиги ҳисобга олинса (мигрантларнинг 31 фоизи), айнан шу соҳада ишга жалб қилиш борасидаги қонунчилик бузилаётгани аниқланмоқда. Шунинг учун РФ Маъмурий тартиббузарликка доир Кодексига ўзгартиришлар киритилиши кутилмоқда.

РФ Шаҳар қурилиши Кодексига йил давомида миграция қонунчилигини бир неча бор бузган қурилиш ташкилотларини Ўзини ўзи бошқариш ташкилотлари рўйхатидан чиқариб ташлашга доир тузатиш киритилади.

“Умуман олганда, ушбу чоралар ноқонуний миграцияга қарши кураш борасидаги масалаларнинг ҳуқуқий доирада ҳал этишни мукамаллаштиришга қаратилган”, - дея ҳисоблайди Ирина Яровая.



## “Нелегал” тадбири

Федерал Миграция Хизмати (ФМХ) ходимлари томонидан Москва шаҳрида ўтказилган “Нелегал” операцияси натижасида 2600 дан ортиқ ноқонуний фаолият юритаётган шахслар аниқланди, - дея маълумот берди ФМХ ходими Залина Корнилова “РИА Новости” га.

Корнилованинг таъкидлашича, уларнинг 500 нафари мамлакатдан чиқариб юборилган ёки депортация қилинган. Шунингдек, турли қонунбузарлик учун 20,7 миллион рубль жарима ундирилган. Рейд давомида Москва шаҳридаги гўшти қайта ишлаш заводлари, ресторанлар, тўқувчилик фабрикалари ва қурилиш майдонлари текширувдан ўтказилган.

ФМХ ходимлари Волоколамское шоссесидаги собиқ поликлиника биносини текширганларида, бу ерда 250 дан ортиқ чет эллик фуқаролар борлигини аниқланган бўлиб, уларнинг 60 нафари Россияда ноқонуний фаолият юритган. Бундан олдин пойтахт полиция вакиллари мазкур биносида 400 дан ортиқ ноқонуний муҳожирлар борлигини аниқлагандилар.

**Манба:**  
**РИА Новости**

## Мигрантлар: ҳамон ечимсиз масалалар...

Мосгорстат маълумотида таянган ҳолда, Москва шаҳридаги миграция оқими пасайиб бормоқда ва бу кўрсаткич 2011 йили 47 фоизга камайган, дея хабар беради Оила ва ёшлар сиёсати департаменти. Масъул раҳбарларнинг таъкидлашича, бу вазият пойтахт ҳокимининг “ноқонуний миграцияга қарши кураш ва ишчи мигрантлар оқимини назорат қилиш” борасидаги олиб бораётган сиёсати натижасидир.

Бироқ, мустақил экспертларнинг фикрича, пойтахтдаги ноқонуний мигрантларнинг сони камаймаган: расмий маълумотлар эса шаҳарда ноқонуний мигрантлар оқимининг ортиб бораётганини кўрсатади. Жумладан, 2010 йили Москвани 39,2 минг мигрантлар тарк этган бўлса (125,9 минг келувчилар ҳисобидан), 2011 йили 65,7 минг киши пойтахтдан уйига қайтган (124,8 минг келувчилар ҳисобидан).

Оила ва ёшлар сиёсати департаменти маълумотида кўра, мигрантлар Москванинг демографик ҳолатига ижобий таъсир ўтказмоқда. Эслатиб ўтиш лозимки, 2011 йили

кейинги 23 йил давомида биринчи бор туғилиш сони одамлар ўлимидан устун келган. Шунингдек, ўтган йили дунёга келган 9,6 фоиз чақалоклар ота-оналаридан бири ёки иккиси ҳам чет эллик бўлган оилаларда дунёга келган. Пойтахт туғруқхоналардаги оналарнинг 34 фоизини



москвалик бўлмаган аёллар ташкил этмоқда.

Бундан ташқари, кейинги йилларда чет элликлар пойтахтга ўз фарзандлари билан келмоқдалар. Агар 2008 йили битта мигрант боласига етти катта ёшдаги одам тўғри келган бўлса, бу сон 2010 йили олтитани ташкил этган.

Ҳозирда шаҳар ҳокимияти мигрант болаларни рус тилига ўқитиш услуги устида иш олиб бормоқда. Маориф департаменти маълумотида кўра, москвалик ўқувчиларнинг 3 фоизини чет эллик болалар ташкил этмоқда. Бу 21 минг бола дегандир. Мутахассисларнинг фикрича, мигрантларнинг пойтахт демографик ҳолатига қўшаётган

ҳиссасини аниқлаш қийин, чунки Мосгорстатнинг расмий рақамлари ҳаётдаги ҳақиқатдан йироқдир. ФМХ ҳузуридаги Жамият кенгаши вакили, “Трудовая миграция” халқаро альянси бошлиғи Николай Курдюмовнинг фикрича, Москвада қонуний ишлаётган

битта мигрантга ўнта ноқонуний мигрант тўғри келади. Демак, расмий маълумотлардаги норасмийларнинг камайиши,

ноқонуний мигрантларнинг ортиб боришидан дарак беради.

2012 йили пойтахт ташкилотлари чет эллик ишчиларни ёллаш учун 136 минг дона квота олган, бу ўтган йилга қараганда 14 мингга кам, дегандир.

Курдюмовнинг таъкидлашича, Москвада бугунги кунда 1 миллионга яқин мигрантлар яшамоқда. Ишчи мигрантлар касабаси Марказий Кенгаши раиси Ренат Каримовнинг сўзларига қараганда, кейинги йилларда пойтахтдаги мигрантлар билан боғлиқ ҳолат ижобий томонга ўзгармаган.

**Манба:**  
**Известия**

## СОҒЛИГИМИЗ-ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА!

## Даволаниш қийин эмас

*Азиз Ватандош!*

Россияга ишлаш учун келган экансиз, аввало сизга омад ёр бўлсин, йўлингиз равон бўлсин!

Лекин мусофирчиликни ўзига яраша пасту-б а л а н д л и к л а р и , қонун-қоидалари бор. Уларга қўниқиб, ақл билан иш билан юритсангиз, албатта, ишларингиз бароридан келади.

У н у т м а н г к и , сизни дуолар қилиб кузатган онангиз, айрилиқ азобларига чидаб, оилангизни бошқараётган рафиқангиз, дийдорингизга интизор фарзандларингиз соғомон қайтишингизни кутиб йўлингизга интиқ бўлмоқда. Бунинг учун аввало, ўзингизни асрашингиз, соғлом бўлишингиз керак.

Россияга вақтинчалик келган хорижий мигрантларларга муниципал ва давлат даволаш муассасалари фақатгина хаёт учун ҳавфли ҳасталикка чалинганликда ёки бахтсиз ҳодисалар оқибатида даволанишга муҳтож бўлгандагина бепул тез тиббий ёрдам кўрсатади. Оғир ҳолат бартараф этилганидан сўнг эса, хаста режали пуллик даволаниши керак. Айрим ҳолатларда, ватандошларимиз тиббий ёрдам пуллик бўлгани учун, шифокорларга

вақтида мурожаат қилмасдан, касалликни авж олдириб, оғир асоратлар билан ногирон бўлиб қолаётганлари ҳам сир эмас.

Инсон - иссиқ жон, ҳеч ким хасталаниш



ёки шикастланишдан кафолатган эмас. Айниқса, ўзга шароит, совуқ иқлимда ишлашаётган пайт, санитария-гигиена ва техник муҳофаза қоидаларига амал қилмаслик, ушбу хатарни янада оширади.

Агар яқка тартибда ишлаётган бўлсангиз ёки иш берувчи тарафидан сизга тиббий ёрдам кафолатланмаган тақдирда, соғлиқни сақлаш, керак булганда, юқори малакали шифокорларга мурожаат қилишининг энг яхши йўли - ДМС полисига эга бўлишдир.

ДМС полисини олиш жуда осон: уни хоҳлаган кимса паспорт, миграцион

карта, вақтинчалик регистрация асосида кафолат агентлигидан сотиб олиши мумкин.

Масалан, Росгосстрах агентлигининг ДМС ГОСТЬ дастури хориждан келган ишчи-мигрантлар учун оптимал ҳимоя воситаси бўлиши мумкин.

ёрдами ҳам кўрсатилади. Шуни таъкидлаш жоизки, ушбу полис қамровига СПИД, сил, онкологик, венерик касалликлари, алкоголизм, наркомания асоратлари, 1, 2-группа ногиронлари кирмайди.

*Азиз Ватандош!*

Юрагингиз оғриган, қон босимингиз баланд бўлиб, бошингиз оғриб, беҳаловат бўлсан чоғингиз, шунингдек, дорилар бўйича маслаҳатга муҳтожлик сезган пайтингизда, менга +7-985-723-00-70 телефон рақами орқали соат 18.00 дан 22.00 қадар мурожаат қилишингиз мумкин. Имкон даражасида, холисона ёрдам беришга ҳаракат қиламан! Сизларга доимо соғлиқ ва омонлик тилайман.

*Гулбаҳор  
ЭШОНХЎЖАЕВА*

**МАЯК**  
МНОГОПРОФИЛЬНЫЙ  
МЕДИЦИНСКИЙ ЦЕНТР  
ЛИЦЕНЗИЯ №. ПР-77-01-004108

**Телефоны для справок:**

- +7 (495) 602 61 00
- +7 (495) 689 13 46
- +7 (926) 483 95 81

[www.mc-mayak.ru](http://www.mc-mayak.ru)

**СПЕЦИАЛИСТЫ**

**СТОМАТОЛОГИ**

**ГИНЕКОЛОГИ**

**УЗИ**

**ХИРУРГ**

**ОКУЛИСТ**

**ТЕРАПЕВТ**

**ЛОП**

**КАРДИОЛОГ**

**НЕВРАПОТОЛОГ**

**ДЕРМАТОЛОГ**

**УРОЛОГ**

**МАССАЖИСТ**

**ЭНДОКРИНОЛОГ**

- Все виды медицинских услуг;
- Лечение в стационаре;
- Все виды анализов;
- Ведение беременности, обменные карты;
- Все виды УЗИ исследования;
- Все виды лечебного массажа;
- Своя зуботехническая лаборатория;
- Периодические медосмотры, справки;
- Прием пациентов в удобное для них время.

г. Москва ул. 2-я Ямская, д.9 (4 этаж) Марьяна Роцца

## БТФ банкининг “Простор” лойиҳаси

Мухтарам дўстлар!

Агар Москвага ярим йилдан кўпроқ муддатга келган бўлсингиз, айнан МДХ давлатлари фуқаролари манфаатлари учун ишлаб чиқилган “Простор” лойиҳасига аъзо бўлишни тавсия этамиз. Ушбу лойиҳанинг “Оптимальный” пакети – йиллик тиббий суғурта, кредит олиш имконияти, ишга жойлашиш ва турар жойи билан таъминланиш ва бошқа имкониятларни ўз ичига олади. Пакетнинг нархи – 5 000 рубль (эркин бозор шароитида биргина тиббий суғурта сизга уч борабар қиммат тушиши мумкин). Оддийроқ хизматларни қамраган (лекин унда бир йилга ҳаётни суғурта қилиш имконияти мавжуд) “базали плюс” пакетининг нархи – 900 рубль. “Простор” лойиҳасига боғлиқ барча маълумотлар билан Prostorclub.ru сайтида танишишингиз мумкин.

БТФ банкининг барча офисларида мазкур лойиҳа пакетини сотиб олишингиз, шунингдек, жуда қулай БТФ-Союз тизими орқали Ўзбекистонга пул жўнатишингиз мумкин.

Ушбу купонни қирқиб банкка топширсангиз чегирма оласиз!  
Уни сақлаб қўйинг!

№ _____	№ _____
ФИО _____	ФИО _____

№ _____	№ _____
ФИО _____	ФИО _____



### Офисы:

#### “Академический”



#### “Багратионовский”



#### “Дубровка”



#### “Кировоградский”



#### “Коньково”

м. Коньково  
ул. Островитянова, вл. 29  
(в павильоне «Шины, диски, велосипеды»)  
тел.: (495) 727-06-53




#### “Печатники”



#### “Проспект Мира”



#### “Центральный”





## БИЗ БИЛГАН ВА БИЛМАГАН РОССИЯ

*Россия нафақат улкан ҳудудга, балки ажойиб табиатга, ўзига хос турмуш тарзи ҳамда одатларига эга бўлган мамлакатдир. Сизларга мазкур ўлкага доир қизиқарли айрим маълумотларни тақдим этамиз.*

### Москванинг барпо этилиши

Рус халқи тарихида Москва илк бор 1147 йили қайд этилган. Унга кўра Суздаль князи Юрий Долгорукий бу ерга қариндоши Чернигов князи Святославни меҳмонга чақирган. Аслида шаҳар бундан бир неча йил муқаддам фожиали бир воқеа сабаб Юрийнинг қарамоғига ўтган.

Кунларнинг бирида Юрий ўз дружинаси билан Киевдан Владимир шаҳрига қайтаётиб, йўл-йўлакай князь кўркем манзилда жойлашган бадавлат бир қишлоқда дам олмоқчи бўлади. Бирок қишлоқ барин(оксоқол)и қароргоҳида таъмирлаш ишлари кетаётганини рўkach қилиб, князь ва уламоларни қабул қилмайди. Ҳазабланган Юрий “меҳмондўст” баринни қатл қилмоқчи бўлади. Барин Кучка Юрийга қарши жанг қилади, лекин тез орада енгилиб, ўрмонга яширинади. Князнинг одамлари баринни топиб қатл қиладилар.

Юрий бу хушманзара маконда шаҳар қуради ва уни шу ерда оқаётган Москва дарёси номи билан атайди. Қатл қилинган бариннинг қизи Улитани Юрий ўғли Андрейга келин қилиб, ўғиллари Яким ва Пётрни хизматига

олади. Шуниси қизиқки, Андрей Боголюбскийнинг онаси асли ярим қипчоқ, яъни Аюб хоннинг қизи бўлган. Демак, князь Андрей ярим туркий бўлган.

Орадан йиллар ўтиб, 1174 йили Яким Кучкович ғалаён кўтариб князь Андрейни ўлдиради.



Айрим маълумотларга кўра, бу отаси ўлдирилганинг қасоси бўлса, бошқасига кўра – бу қатл этилган акаси Пётр учун ўч эди.

Москва айнан қайси ҳудудда ташкил топгани борасида олимлар кўплаб баҳс-мунозаралар юритишган. Айрим маълумотларда кўра, шаҳар дастлаб Чистые пруди ва Мясницкий кўчаси яқинидаги Кучково майдонида қад кўтарган. Князь Юрийга манзур бўлган қишлоқ айнан шу ерда жойлашган бўлиши ҳам мумкин.

1610 йили шаҳарга

поляклар ҳужум қиладилар. Рюриковичлар сулоласи сўнгандан сўнг Москва таназзулликни бошдан кечиради, кўпгина бояринлар Польша қироли Сигизмунднинг оладилар. Шаҳарга жойлашиб олган муҳожирлар бўлажак ўлпон ва совғаларга умид боғлайдилар. Лекин вазият танглашади,

Негаки поляклар қироли Сигизмунд православия масхабига ўтишдан бош тортади. Бу воқеа русларни ғазаблантиради. 1612 йили Нижегород етакчиси Кузьма Минин ва князь Пожарскийлар раҳнамолигида руслар полякларни Россиядан қувиб чиқадилар. Мазкур қахрамонларнинг ҳайкали Қизил майдонда қад кўтариб турибди. Шу воқеадан сўнг Наполеон кўшинларига қадар Москвага бегоналарнинг оёғи етмаган.

Москванинг кўпгина кўчалари ўзбекча номланган: Фарғона

кўчаси, Фарғона проезди, Тошкент кўчаси, Тошкент переулоғи, Самарқанд бульвари. Буларнинг барчаси шаҳарнинг жанубий қисми, яъни Ўзбекистонга бўлган йўналишда жойлашган. Шунингдек, Москвада Малая Грузинская кўчасидан тортиб Литовский бульваргача бошқа миллатлар номи билан аталувчи кўчалар мавжуд.

Грузинлар номи билан боғлиқ кўчалар қадимдан мавжуд. 1729 йили шаҳар чегарасида жойлашган Воскресенское қишлоғи грузин подшоҳи Вахтанг VI га тортиқ қилинган ва у ерда Грузиядан келган одамлар яшаган. Грузия эса 1801 йили Россия Империяси таркибига киритилган.

Москвада Большая Ордынка кўчаси бор. Ўрта асрларда савдогарлар бу кўчадан Олтин Ўрдага қараб йўл олганлар. Кўча бўйлаб эса шарқлик савдогарлар яшайдиган даҳалар жойлашган. 1220 - 1388 йиллари Шимолий Хоразм ҳудудлари Олтин Ўрдага қараган. Кейинчалик Хива, Бухоро ва Қўқон хонликларидан келган савдогарлар ҳозирги Варварка яқинидаги Зарядье районида истиқомат қилишган.

*Ҳабиб  
АБДУЛЛАЕВ*

## ДАВЛАТ РАМЗЛАРИ

Россияда XVII асрга қадар давлат байроғи бўлмаган. Байроқ подшоҳ Алексей Михайлович (1629-1676 йиллар) даврида рус флоти ташкил топиши билан боғлиқ пайдо бўлган. Подшоҳ буйруғига асосан 1668 йили голланд инженеридан Давид Бутлер биринчи рус харбий кемаси “Орёл” ни қурган. Лекин ғарбдаги анъанага кўра, кемада давлат байроғи ўрнатилиши лозим эди. Алексей Михайлович бу

масалани ҳал этиш учун, инженердан Голландия байроғи ҳақида сўрайди. Бутлер Нидерландиянинг байроғи 1630 йилдан бери уч хил рангда, яъни байроқнинг юқори қисми қизил, ўртаси оқ ва таг қисми мовий эканини айтади. Россия байроғи ҳам уч хил рангда тикилади. Фақат бу ерда байроқнинг юқори қисмини оқ, сўнг мовий ва қизил ранглар эгаллайди. Пётр I (1672 - 1725 йиллар) отасининг

анъанасини давом эттиради ва кемалар “Москва подшоҳи байроғи” остида сузадилар. Бу ҳол ўттиз йил давом этади. 1712 йили харбий кемаларга Андрей Первозванный байроғини тиклаш ҳақида фармойиш чиқади. Оқ - мовий - қизил рангдаги байроқ остида фақат фуқаро кемалари сузадилар.

Пётр даврида оқ ранг - эркинликни, мовий - Богородица (Биби



Мариям), қизил ранг эса рус ҳокимиятининг куч-қуввати англатган. Лекин байроқ расман тан олинмаган ва XIX асрнинг ўртасига келиб бу масала император Александр II (1818-1881 йиллар) томонидан ҳал этилган.



Россия гербидаги иккибошли бургут сурати асли Византия империясидан мерос бўлган. Мазкур бургут Византияда ҳукмронлик қилган Палеолог императорлари сулоласи рамзи ҳисобланган. Иван III Софья Палеологга уйланганидан сўнг, давлат рамзидаги илонни янчиётган Георгий Победоносец тасвири иккибошли бургутга алмашилган. Бу таназзулликка учраган Византия

империяси қудратининг Рус давлатига мерос қолдирганининг тимсоли эди. Рус давлатини Иван III бошқарган даврда иккибошли бургут князь олийлари муҳридан ўрин эгаллаган. Иван Грозний ҳукмронлиги пайтида эса иккибошли бургут биринчи бор давлат герби сифатида қабул қилинган. Кейинчалик бургут кўкрагига Москва ва Москва князлиги тимсоли бўлмиш Георгий Победоносец тасвири жойлантирилган.

Подшоҳ Алексей Михайлович Романов даврида бургут тасвири давлат рамзи - скипетрга туширилган ва бу ҳокимиятнинг ажралмас атрибути саналган. Пётр I даврида бургут кора рангда бўлган.

Император Павел I ҳукмронлиги чоғида эса бургут гербига Мальтия крести (хочи) жойлаштирилган.

Ўтган аср бошидаги Феврал инқилобидан сўнг иккибошли бургут герби ўз аҳамиятини йўқотади. 1918 йили янги давлат герби қабул

қилиниб, унда ўроқ ва болға тасвири акс топганди.

Р о с с и я  
Ф е д е р а ц и с и н и н г  
х о з и р г и д а в л а т г е р б и  
1993 йили қабул қилинган. Унда олтин рангида иккибошли бургут рамзи тасвирланган.

ПОРТАЛ

2.0

WWW.PORTAL20.RU

**Бесплатное подключение!**

Звонки  
в Узбекистан —  
от **2,40** руб./мин.

**АВИА и Ж/Д  
БИЛЕТЫ!**

- Киргизия
- Узбекистан
- Таджикистан

Самые  
НИЗКИЕ  
цены!





© 2012 Western Union Holdings, Inc. Барча ҳуқуқлар ҳимояланган.

**12 СОАТ ТАРИФИ**

**50 РУБЛДАН  
БОШЛАБ\***

Пул  
ўтказмаларидан  
фойдаланиш  
энди янада қулай!

Россия ва МДХнинг барча мамлакатлари бўйлаб 50 рублдан бошланувчи пул ўтказмалари 12 соатда амалга оширилади. Шунингдек, 100 рублдан кўп бўлган миқдор учун тезкор пул ўтказиш хизматидан ҳам фойдаланишингиз мумкин.

Россия бўйлаб қўнғироқ бепул:

☎ 8 800 200-22-32 рус тилида, кечаю кундуз  
☎ 8 800 200-22-31 ўзбек тилида  
душанба-жума: 9.00 - 18.00 Москва вақти бўйича

• Пул ўтказмалари •

Пул ҳаракати. Яхшиликка ҳаракат.

[www.westernunion.ru](http://www.westernunion.ru)

**WESTERN  
UNION**

*moving money for better*

\* Ушбу тариф 26 апрел, 2012 йилдан бошлаб қўлланилади. Хизматни тақдим этиш шартларига биноан, тўловни амалга ошириш вақти кечиктирилиши мумкин, шу билан бирга, пул ўтказмасининг миқдори, пулни юбориш мамлакати, валюта, қонунчилик, шахсий идентификация, хизмат кўрсатиш шахобчасининг иш вақти, соат тасмалари орасида бўлган фарқ, ҳамда, бошқа қўлланиладиган чекланмаларга нисбатан маълум талабларни инобатга олиш лозим. [www.westernunion.ru](http://www.westernunion.ru) сайтида тақдим этилган чекланмалар борасидаги маълумот билан танишиб чиқинг. Пул ўтказмаларини юбориш тарифларига қўшимча тарзида, Western Union валюта айирбошлаш курслари орасида бўлган фарқни ушлаб қолади.

«НКО «Вестерн Юнион ДП Восток» МЧЖ га банк операцияларини амалга ошириш учун № 2726-С РФ МБ рухсатномаси берилган.



## Рақс иштиёқи

Бухоролик Моҳидил Атаеванинг Москвага келганига қарийб 25 йил бўлди. Асли касби инженер-педагог бўлган (Бухоро Давлат енгил саноат ва технология институтида таҳсил олган) Моҳидил санъатга иштиёқини ҳеч нима билан тенглай олмасди. Айниқса, рақсга тушиш жону-дили эди. Аммо кўпчилик ўзбек оилаларида бўлгани каби, Моҳидил опанинг отаси ҳам қизининг раққоса бўлишига мутлақо қарши чиқди. Моҳидил опанинг раққосалик орзуси орадан йиллар ўтиб, турмушга чиққанидан кейин ушалди. Такдир тақозоси экан, Моҳидил Атаева умр йўлдоши билан Москвага келди. Моҳидил опанинг қалбида рақсга бўлган иштиёқ тобора ортиб борарди. Кўнглидаги орзусини турмуш ўртоғига тушунтира олган Моҳидил опа бу ерда рақс билан жиддий шуғуллана бошлади. Бу борада ОРТО (Умумроссия рақс ташкилоти)да шарқ халқлари рақсларининг сир-асрорларини пухта эгаллагач, иш фаолиятини Загорье маданият уйида бошлади.

– Бу ерга ишга жойлашишим осон бўлмаган, – дея кулиб эслайди Моҳидил Атаева. Маданият уйини раҳбари Нагорная Клавдия Алексеевнага ўзбек рақс тўғрагини очиш таклифи



билан келганимда мени қабул қилмаган. “Шарқ рақслари кимга керак?” деганди у. Кейин яна келдим, бу гал “эшиқни кўрсатиб кўйди”. Мен қатъият билан келавердим, ахийри тўғарак очишга рухсат берди. Кўп ўтмай, тўғарак аъзолари билан “Единая Россия – многонациональная” фестивалида 1-ўринни олганимизда Клавдия Алексеевнанинг ёнига кирдим. У мени қучиб табриклади. Бу менинг катта ютуғим эди.

Шундан сўнг Моҳидил Атаева бошчилигидаги “Хабибий” шарқ рақслари тўғраги аъзолари Москва шаҳрининг турли концерт майдонларида ўз санъатларини муваффақиятли намоиш эта бошлашди. Ҳар йили ўтказиладиган “Москва – город мира”, “Единая Россия – многонациональная”, “Восточный базар”,

“Оазис” фестивалларида, бир қатор турли рақс танловларида совриндорликни қўлга киритди. Шунингдек, шаҳарда ўтказиладиган турли концерт ва тадбирларнинг фаол иштирок этиб, ўзларининг ёрқин ва жозибали рақслари, қизиқарли театрлаштирилган сахна кўринишлари билан томошабинларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Улар қаерда ўз санъатларини намоиш этишмасин, барча бирдек Марказий Осиё халқларининг бой маданияти ва санъатига таҳсинлар



билдиришмоқда.

Ўз касбига бўлган меҳрини Моҳидил Атаева фарзандларига ҳам сингдира олди. Ўғиллари Анвар, Антарио ва Амирбек Мирзаевлар нафақат шарқ, балки бошқа миллатлар рақсларини ҳам моҳирона ижро этишади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Антарио 9 ёшида Финляндияда бал рақслари бўйича ўтказилган танловда бронза медалига сазовор бўлган.

Ўзбек санъатини имкон қадар тарғиб ёйиш мақсадида Моҳидил Атаева ўзбек “Рақс” тўғрагини ташкил этди. Эндиликда турли миллат вакиллари билан ташкил топган тўғарак аъзолари ўзбекча “Санамгина”, “Бойлама” кўшиқларига завқ билан рақсга тушишмоқда. Айниқса, рус қизи Лизанинг хоразмча, бухороча усулларга тушаётган ўйинларини кўриб, қойил қолмай иложингиз йўқ. Тўғаракнинг Света ва Евгения Башмакова, Валентина Мосина, Елена Гришина, Татьяна

Клитинова каби фаол иштирокчилари бугунги кунда шарқ халқлари рақслари қаторида ўзбекча ўйинларни ҳам яхшига ўзлаштириб олишган.

Ўзбек рақслари бетақроп ва ўзига хос жозобага эга. Буни сўз билан таърифлаб бўлмайди, фақат томоша қилиш керак, холос. Ишонамизки, миллий рақсларимиз кўзингизни қувнатибгина қолмай, қалбингизни завққа тўлдирди.

**Соҳиба ҲАЙИТБОЕВА**  
журналист

## ЮРТДОШЛАР

### Инсонийлик

*Сычевода номаълум заҳарли моддадан заҳарланган оилани Ўзбекистон фуқароси қутқариб қолди.*

Ўтган хафтада Москва областининг Коломенский райони Сычево кишлоғида бутун оила номаълум заҳарли модда билан заҳарланди. Ҳозир барча жабрланувчилар – пенсионер Борис Кабанов, унинг ўғли Игорь Кабанов рафиқаси Галина Кабанова билан, уларнинг қизи Елена Никифорова ва эри Павел Никифоров – касалхонада оғир аҳволда ётишибди. Бутун бошли оиланинг омон қолишига эса ўзбекистонлик Акмал Туев сабабчи бўлди.

Бухоролик Акмал Туев оилали, тўрт қизи ва бир ўғли бор. Оила аъзолари юртимизда яшашади. Акмал муқаддам Ўзбекистондаги ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилотларида ишлаб, нафақага чиққан. 5 йил аввал кўпчилик ватандошлари сингари Россияга келиб ишлашга қарор қилди. Айни пайтда хусусий тадбиркорлик ташкилотларининг бирида ҳайдовчи бўлиб ишляпти. Ижарага олган уйи эса Зеленой кўчасида, жабрланувчилар уйига қарама-қарши жойлашган.

5 июль куни Акмал Туев уйдалигида қўшнисини Борис Кабанов ёрдам сўраб югуриб келди. Унинг айтишича, уйга келса, бутун оиласи ертўлада беҳуш ётишган экан. Ўйлаб ўтиришнинг фурсати эмасди, Акмал шу заҳоти ёрдамга шовди.

*- Подвал тирқишидан қарасам,*

*полда беҳуш ётган тўрт киши кўринди, ичкаридан эса худди мингта тухум бирдан палагда бўлганга ўхшаш кўланса ҳид чиқарди. Ичкаридан одамларни олиб чиқиш осонмас, чунки тирқиш жуда кичик (бор-ўғзи 50x50см.) эди, - дейди Акмал Туев.*

Таваккал қилишга тўғри келди, Акмал бир амаллаб пастга тушди ва тирқишга яқин ётган Елена Никифоровани ёнига келди.

*- Озгингина ва нозик бу аёлни кўтариб ертўладан олиб чиқдим. Ичкарида заҳарли бугдан заҳарланиб қолмаслик учун ўзим нафас олмасликка ҳаракат қилдим. Еленани ерга қўйгач, тоза хаводан тўйиб нафас олдимда, қолганларни ҳам олиб чиқиш учун ортга қайтмоқчи бўлдим. Шу пайт аёл нафас олмайганини сезиб қолдим.*

Акмал ўзини йўқотмай, сунъий нафас олдиришга тушди. Бир неча дақиқа ўтмай, Елена нафас ола бошлади.

Яна ертўлага тушган Акмал бир ўзи эркак ва аёлни бирданига олиб чиқишга қарор қилди. Аёлни кўтариб, Павел Никифоровни арқон ёрдамида олиб чиқишга ҳаракат қилди. Шу пайтда Акмалнинг ўзи ҳам заҳарли ҳиддан буғила бошлади. У яна бир дақиқалардан сўнг ўзи ҳам хушини йўқотишини тушунди. Дарҳол ташқарига чиқиб, баланд овозда бақириб одамларни ёрдамга чақира бошлади.

Шу пайтда кекса кўшни аёл Людмила ёрдамга келиб қолди. Кекса аёл Акмалга ёрдам берди, арқонни учини ушлаб турди, Акмал ичкарида жабрланувчиларни арқонга



боғлади. Кейин икковлашио уларни тортиб чиқара бошлади “Тез ёрдам” ҳам етиб келди. Икки шифокор аёл ва ҳайдовчи киши Акмалга ертўлада қолган жабрланувчиларни олиб чиқаришда ёрдам берди. Ҳамма қутқариб бўлингач, Акмалнинг ўзи хушини йўқотди.

*- Кўзимни очсам, кислородли ниқобдаман, қандай йиқилдим, эслолмайман, - дейди Акмал*

Аммо Туев касалхонага ётмади, чунки заҳарланишдан қандай даволанишни биларди.

*- Ҳозир ҳаммаси жойида, душанба кунидан ишга чиқдим..*

Жабрланган кўшнилари кўриш учун эса ҳали бора олгани йўқ, уларнинг аҳволини кўшнисини Игор Кабановдан билиб турибди. Ҳаммаси ортда қолганига қарамай, унинг довураклиги сабаб ҳаётга қайтган инсонлар учун жуда қайғураётгани Акмалнинг кўзларидан билиниб турибди. Тўғри, ҳали улар хушига келиши, соғлигини тиклаши керак, аммо энг муҳими, улар тирик!

*Манба:*

*«Вопрос-Ответ»  
газетаси*



## ЖАҲОН АДАБИЁТИ ДУРДОНАЛАРИ



Ўз ижоди билан нафақат XX аср рус ва жаҳон адабиётига, балки жаҳон театр санъатида ҳам муносиб ҳисса қўшган буюк рус ёзувчиси, драматург Антон Павлович Чехов (1860 - 1904) - Таганрог шаҳрида савдогар оиласида дунёга келган. Бошланғич таълимни грек мактаби ва гимназияда олгач, Москвадаги тиббиёт университетига ўқишга кирди. Институтни тамомлагач, Чехов шифокорлик амалиёти билан шуғулланди. Кейин эса ёзувчи Сахалинга узоқ сафар қилди, бу саёҳат таассуроти “Сургунда”, “Сахалин ороли”, “6 рақамли палата” асарларида ўз ифодасини топди. Шунингдек, «Зерикарли тарих», «Дуэль», «Олчали бог», “Уч она сингиллар”, “Чайка”, “Ваня тоға” каби асарлар ҳам ёзувчининг юксак маҳорати намуналаридир. 1898 йилда бу пьесалар Москва Бадиий Театри томонидан сахна юзини кўрди, чайка тасвири эса пьесанинг муваффақиятли намоишидан сўнг театрнинг рамзига айланди.

### Знакомый мужчина

Прелестнейшая Ванда, или, как она называлась в паспорте, почетная гражданка Настасья Канавкина, выписавшись из больницы, очутилась в положении, в каком она раньше никогда не бывала: без приюта и без копейки денег. Как быть?

Она первым делом отправилась в ссудную кассу и заложила там кольцо с бирюзой — единственную свою драгоценность. Ей дали за кольцо рубль, но... что купишь за рубль? За эти деньги не купишь ни модной, короткой кофточкой, ни высокой шляпы, ни туфель бронзового цвета, а без этих вещей она чувствовала себя точно голой. Ей казалось, что не только люди, но даже лошади и собаки глядят на нее и смеются над простотой ее платья. И думала она только о платье, вопрос же о том, что она будет есть и где будет ночевать, не тревожил ее нисколько.

«Хоть бы мужчину знакомого встретить... — думала она. — Я взяла бы денег... Мне ни один не откажет, потому что...»

Но знакомые мужчины не встретились. Их не

трудно встретить вечером в «Ренессансе», но в «Ренессансе» не пустят в этом простом платье и без шляпы. Как быть? После долгого томления, когда уже надоело и ходить, и сидеть, и думать, Ванда решила пуститься на последнее средство: сходить к какому-нибудь знакомому мужчине прямо на квартиру и попросить денег.

«К кому бы сходить? — размышляла она. — К Мише нельзя — семейный... Рыжий старик теперь на службе...»

Ванда вспомнила о зубном враче Финкеле, выкресте, который месяца три назад подарил ей браслет и которому она однажды за ужином в Немецком клубе вылила на голову стакан пива. Вспомнив про этого Финкеля, она ужасно обрадовалась.

«Он наверное даст, лишь бы только мне дома его застать... — думала она, идя к нему. — А не даст, так я у него там все лампы переберу».

Когда она подходила к двери зубного врача, у нее уже был готов план: она со смехом взбежит по

продолжение на стр. 13

### Таниш эркак

Гўзаллар гўзали Ванда ёки паспортида атаганларидек, фохрий фуқаро Настасия Канавкина, касалхонадан чиқиб, умрида кўрмаган аҳволга тушиб қолди: борадиган жойи ҳам йўқ ва ёнида бирор тийини ҳам йўқ. Нима қилсин?

У аввал қарз кассасига борди ва ўзининг ягона қимматбаҳо нарчаси бўлган феруза узугини гаровга қўйди. Унга узуги бадалига бир сўм бердилар, лекин... бир сўмга нима беради? Бу пулга на мода бўлган калта кўйлак, на олифта шляпа, на жигарранг туфли беради; бусиз эса у ўзини яланғоч ҳис этарди. Назарида фақатгина одамлар эмас, ҳатто от ва итлар ҳам унинг содда кўйлагига кулиб қараётгандек туюларди. У фақат кўйлак тўғрисида ўйларди, овқат ва ётаржой масалалари эса уи заррача ваҳимага солмас эди.

«Ҳеч бўлмаса бирор таниш эркакни учратсам эди... — деб ўйларди у. — Пул олардим... Менга ҳеч ким йўқ демас, чунки...» Лекин таниш эркак учрамади. Уларни кечқурун Ренессанс ресторанида учратиш

қийин эмас, бироқ Ренессансга бу оддий кўйлакда ва шляпасиз киргизмайдилар. На чора? Утиравериб, юравериб ва ўйланавериб зериккандан кейин Ванда сўнгги чора йўлига киришга қарор берди, “Таниш бўлган биронта эркакнинг уйига тўғри кираманда, пул сўрайман” — деди.

“Кимникига кирсам экан? — деб ўйларди. — Миша оилали бўлгани туфайлидан уникига кириб бўлмайди... Малла чол эса хизматда...”

Ванда тиш доктори мурдат Финкелни эсга олди. У бундан уч ой муқаддам Вандага билақузук ҳадя қилган ва бир куни кечаси немис клубида унинг бошига Ванда бир коса пиво куйиб юборган эди. Шу Финкелни эслаб, ниҳоят севииди.

Фенкелнинг уйига келатуриб ўйларди: «У албатта берар, у уйда бўлса бас... Бермас экан, уйдаги барча чироғларини синдириб ташлайман».

Тиш докторининг эшигига яқинлашганда унинг режаси тайёр эди: у хохолаб зинапоядан

давоми 13-бетда

## Знакомый мужчина

начало на стр. 12

лестнице, влетит к врачу в кабинет и потребует 25 рублей... Но когда она взялась за звонок, этот план как-то сам собою вышел из головы. Ванда вдруг начала труситься и волноваться, чего с ней раньше никогда не бывало. Она бывала смела и нахальна только в пьяных компаниях, теперь же, одетая в обыкновенное платье, очутившись в роли обыкновенной просительницы, которую



могут не принять, она почувствовала себя робкой и приниженной. Ей стало стыдно и страшно.

«Может быть, он уж забыл про меня... — думала она, не решаясь дернуть за звонок. — И как я пойду к нему в таком платье? Точно нищая или мешанка какая-нибудь...»

И нерешительно позвонила.

За дверью послышались шаги; это был швейцар.

— Доктор дома? — спросила она.

Теперь ей приятнее было бы, если бы швейцар сказал «нет», но тот, вместо ответа, впустил ее в переднюю и снял с нее пальто. Лестница показалась ей роскошной, великолепной, но из всей роскоши ей прежде всего бросилось в глаза большое зеркало, в котором она увидела оборвашку без высокой шляпы, без модной кофточки и

без туфель бронзового цвета. И Ванде казалось странным, что теперь, когда она была бедно одета и походила на швейку или прачку, в ней появился стыд и уж не было ни наглости, ни смелости, и в мыслях она называла себя уже не Вандой, а как раньше, Настей Канавкиной...

— Пожалуйте! — сказала горничная, провожая ее в кабинет. — Доктор сейчас... Садитесь.

Ванда опустилась в

мягкое кресло.

«Так и скажу: дайте взаймы! — думала она. — Это прилично, потому что ведь он знаком со мной. Только вот если б горничная вышла отсюда. При горничной неловко... И зачем она тут стоит?»

Минут через пять отворилась дверь и вошел Финкель, высокий черномазый выкрест с жирными щеками и с глазами навывкате. Щеки, глаза, живот, толстые бедра — всё это у него было так сыто, противно, сурово. В «Ренессансе» и в Немецком клубе он обыкновенно бывал навеселе, много тратил там на женщин и терпеливо сносил их шутки (например, когда Ванда вылила ему на голову пиво, то он только улыбнулся и погрозил пальцем); теперь же он имел хмурый, сонный вид и глядел важно, холодно,

продолжение на стр. 14

## Таниш эркак

боши 12-бетда

чиқади, докторнинг уйига югуриб киради ва 25 сўм талаб этади... Бироқ у, қўнғирокни ушлаганда, режаси бошидан ўз-ўзидан чиқиб кетгандай бўлди. Ванда тўсатдан қўрқа ва хаяжонлана бошлади, бундай хол унда ҳеч рўй бермас эди. Сармаст ўтиришларда у жасур ва орсиз бўларди, эндичи, у оддий кўйлак кийгани холда, қабул қилинмаслиги ҳам мумкин бўлган оддий хотин сифатида, ўзини қўроқ ва камситилган ҳис этди. У ўзида уят ва ваҳима сезди.

«Балки у мени унутгандир... — деб ўйлади қўнғирокқа тегишга журъат қилолмай. — Қандай қилиб мен унинг олдида шу кўйлақда кираман? Худди гадой ёки бирор мешчанкадай...»

Қўнғирокни тортиниброк босди.

Эшик орқасидан оёқ овози эшитилди, бу швейцар эди.

— Доктор уйдаи? — деб сўради Ванда.

Шу пайт швейцар «йўқ» жавобини берса у суюнарди, бироқ жавоб ўрнига у, Ванданинг пальтосини ечди ва биринчи уйга киргизди. Зинапоя унга гўзал, мухташам туюлди, барча гўзалликлардан ҳам бурун унинг кўзига катта ойна ташланди, унда ўзини шляпасиз, калта кўйлак сиз ва жигарранг туфлисиз йиртиқ кийимли хотин кўрди. Энди Ванда тикувчи ёки кир ювувчи сингари фақирона кийинган экан, номус пайдо бўлгани ва уятсизлик, сурликдан асар қолмагани унга қизиқ туюларди, ичида ўзини Ванда деб эмас,

балки илгаригидек Настя Канавкина деб атарди...

— Марҳамат қилинг! — деди оксоч хотин уни кабинетига узата туриб. — Доктор ҳозир келади... Ўтиринг.

Ванда юмшоқ креслога ўзини ташлади.

«Қарз беринг, деб қўяколаман! — деб ўйларди у. — Бу одобдан бўлади, чунки, у менга ошна-ку. Фақат, оқ соч хотин бу ердан чиқиб кетса эди. Оқ соч хотин олдида ўнғайсиз... Нега бу ерда тураркин?»

Беш дақиқалардан кейин эшик очилди ва баланд бўй, қорачадан келган дўмбоқ юзли, кўзи ирғиб чиққан Финкел кирди. Унинг юзи, кўзлари, каттакон қорни, тўла сонлари жирканч эди. Ренессанс ва немис клубида у, одатда шўх бўларди, хотинларга кўп пул сарф қилар ва уларнинг майнабозчиликларини кўтарарди (чунончи, Ванда унинг бошига пиво куйиб юборганда, у фақатгина табассум этди ва бармоғини кўрсатиш билан дўқ қилиб қўяқолди); энди унинг қовоғи солиқ, уйқудан тургандек юзларида совуқлик бор ва амалдор сингари тикилиб, менсимай қарар ҳамда ниманидир чайнаб юрар эди.

— Хизмат? — деб сўради у, Вандага қарамай.

Ванда оқ сочнинг тунд юзига, Вандани танимагандек кўринган Финкелнинг тўла коматига назар солди ва кизарганиб кетди...

— Нима дейсиз? — деди тиш доктори жеркиброк.

— Ти... тишим

давоми 14-бетда

## Знакомый мужчина

начало на стр. 13

как начальник, и что-то жевал.

— Что прикажете? — спросил он, не глядя на Ванду.

Ванда поглядела на серьезное лицо горничной, на сытую фигуру Финкеля, который, по-видимому, не узнавал ее, и покраснела...

— Что прикажете? — повторил зубной врач уже с раздражением.

— Зу... зубы болят... — прошептала Ванда.

— Ага... Какие зубы? Где?

Ванда вспомнила, что у нее есть один зуб с дуплом.

— Внизу направо... — сказала она.

— Гм!.. Раскрывайте рот.

Финкель нахмурился, задержал дыхание и стал рассматривать больной зуб.

— Больно? — спросил он, ковыряя в зубе какой-то железкой.

— Больно... — солгала Ванда. — «Напомнить ему, — думала она, — так он наверное бы узнал... Но... горничная! Зачем она тут стоит?»

Финкель вдруг засопел, как паровоз, прямо ей в рот и сказал:

— Я не советую вам плюмбуровать его... Из этого зуба вам никакого пользы, всё равно.

Поковыряв еще немножко в зубе и опачкав губы и десны Ванды табачными пальцами, он опять задержал дыхание и полез ей в рот с чем-то холодным... Ванда вдруг почувствовала страшную боль, вскрикнула и схватила за руку Финкеля.

— Ничего, ничего... — бормотал он. — Вы не пугайтесь... Из этим зубом вам всё равно мало толку.

Надо быть храброй.

И табачные, окровавленные пальцы поднесли к ее глазам: вырванный зуб, а горничная подошла и подставила к ее рту чашку.

— Дома вы холодной водой рот полоскайте... — сказал Финкель, — и тогда кровь остановится...

Он стоял перед ней в позе человека, который ждет, когда же наконец уйдут, оставят его в покое...

— Прощайте... — сказала она, поворачиваясь к двери.

— Гм!.. А кто же мне заплатит за работу? — спросил смеющимся голосом Финкель.

— Ах, да... — вспомнила Ванда, покраснела и подала выкресту рубль, выреченный ею за кольцо с бирюзой.

Выйдя на улицу, она чувствовала еще больший стыд, чем прежде, но теперь уж ей было стыдно не бедности. Она уже не замечала, что на ней нет высокой шляпы и модной кофточка. Шла она по улице, плевала кровью, и каждый красный плевок говорил ей об ее жизни, нехорошей, тяжелой жизни, о тех оскорблениях, какие она переносила и еще будет переносить завтра, через неделю, через год — всю жизнь, до самой смерти...

— О, как это страшно! — шептала она. — Как ужасно, боже мой!

Впрочем, на другой день она уже была в «Ренессансе» и танцевала там. На ней была новая, громадная, красная шляпа, новая модная кофточка и туфли бронзового цвета. И ужином угощал ее молодой купец, приезжий из Казани.

## Таниш эркак

боши 13-бетда

оғрияпти... — деб шивирлади Ванда.

— Хўш... Қайси тишингиз? Қаерда?

Ванда тишининг бири ковак эканини эслади.

— Ўнг томондаги паст тишим... — деди у.

— Хм!.. оғзингизни очинг.

Финкел тўсатдан унинг оғзига қараб, паровоз каби аксирди ва:

— Ямашни маслаҳат бермайман... Барибир

бу тишингиз тиш бўлмайди, — деди.

Тишни яна бироз ковлаб, Ванданинг

лаб ва милкларини тамаки хидли

бармоқлари билан ифлослаб, яна

нафасини тўхтатди ва қандайдир совук

нарсани оғзига тикди... Ванда

бирдан қаттиқ оғрик ҳис этди, кичқирди

ва Финкелнинг қўлини маҳкам

ушлаб қолди.

— Ҳеч гап эмас, ҳеч... — деди у.

Бу тиз қўрқманг... Бу тиш барибир иш бермайди.

Ботир бўлиш керак.

Тамаки хидли, конли бармоқлар унинг кўз

олдига тортиб олинган тишни келтирди, оқсоч

келиб унинг оғзига пиёла тутди.

— Уйингизда совук сув билан оғзингизни

чайқанг... шунда қон тўхтайди... — деди

Финкел.

У Ванданинг олдида, бу қачон кетади деб кутиб

тургандек бир алфозда турар эди.

— Яхши қолинг... — деди Ванда, эшикка томон кетаётиб.

— Хм!.. Хизмат ҳаққини ким тўлайди? —

деди Финкел кулиб.

— Ҳа, айтгандай... — деб Ванда қизарди ва

феруза узук учун олинган бир сўмни берди.

Кўчага чиқиб у яна илгаригидан кўпроқ

хижолат бўлганини ҳис этди, бироқ энди унга

камбағаллик уят эмас эди. Энди у олифта шляпаси ва

калта кўйлаги йўқлигини сезмади.

У кўчадан борар, қон тупурар ва ҳар бир кизил тупук унинг

бошидан кечирган оғир



турмушини, тортган азоб-уқубатларини ва бундан кейин ҳам, эртага, бир ҳафтадан кейин, бир йилдан кейин ҳам, умр бўйи — то ўлгунча бошидан кечиражак аламларини айтиб борар эди.

— Оҳ, бу қандай кўрқинч! — деб шивирлади у. — Қандай дахшат, ё раббим!

Айтгандай, у эртаси куни Ренессансда рақс тушмоқда эди. Бошида янги каттақон кизил шляпа, эгнида калта кўйлак ва оёғида жигарранг туфли бор эди. Қозондан келган ёш савдогар уни кечки овқат билан меҳмон қилмоқда эди.



## Биласизми...?


Аввал “суикасд”,  
кейин танзанит...



Машхур блокбастер “Титаник”даги мовий олмос ўрнига мутлако бошқа тош – танзанит суратга олинган. Бу тош Танзания яқинидаги Килиманджарода овчи массайлар томонидан топилган. Ер юзидаги ягона кондан топилган бу тош бир қанча вақт мовий сапфирнинг арзон ўриндоши ҳисобланган.

Аммо укувли тadbиркор қахрамонларни ярата олади! “Тиффани” фирмаси мовий тошни сотувга чиқариш билан шуғулланади. Аввалига тошни цoизит (zoisite) деб аташди, аммо бу сўз инглиз тилида суикасд (suicide) деган сўзга жуда яқин бўлгани учун (эътибор беринг, ўзбекчага ҳам жуда яқин), Тиффани рекламачилари тош топилган давлат шарафига “танзанит” сўзини ўйлаб топишди. Бу ном африкаликлар этно модаси билан ҳам муваффақиятли мос тушди.

Колумбдан аввалги саёҳат



Америка қирғoқларига қадам босган биринчи европaлик аслида кўпчилик ўйлаган Христофор Колумб эмас, унчалик таниқли бўлмаган Лейф Эриксон экани ва бу тарихий воқеа X асрнинг бошида юз берганини биласизми?

Лейф Эрикссон – скандинавиялик

денгизчи бўлиб, унинг оиласи Норвегиядан Исландияга сургун қилинган. Оила бу ердан қочиб кетади. Улар Греландия қирғoқларида кўним топишган. Маълумотларга кўра, ўнинчи аср бошида Лейф ўзининг 35 кишидан иборат жамоаси билан Шимолий Америка қирғoқларига илк бор қадам кўяди. Кейинчалик бу саёҳатни Лейфнинг акаси Торвальд ҳам такрорлаган, аммо унинг янги қитъа қирғoқларига сафари омадсиз яқунланган: Американинг туб аҳолиси чақирилмаган меҳмонларга ҳужум қилишиб, Лейфнинг акасини ўлдиришади.

Бу қизиқарли маълумотлар давримизда машхур бўлган «Эрике Рижем ҳақида Сага» ва «Греландияликлар ҳақида Сага» тарихий қўлёзмаларида келтирилган.

Ароқхўрга медаль



Пётр I ичкиликка қарши курашининг қандай усулини ўйлаб топганини биласизми? Ислохотчи-шоҳ 1714 йили бу муаммо билан курашишнинг антиқа йўлини ўйлаб топади: ароқхўрларга медаль бериладиган бўлди. Бу ажойиб чўян совриннинг занжирсиз оғирлиги 7кг бўлган. Баъзи маълумотларга кўра, соф чўяндан ясалган бу нишон тарихдаги энг оғир медаль ҳисобланади.

Медаль билан “тақдирлаш маросими” полиция маҳкамасида ўтказилган. У бўйинга шундай маҳкамланадики, уни “совриндор” ўзи мустақил еча олмасди. Натижада ароқхўр “шараф белгиси”ни бир ҳафта ўз бўйнида кўз- кўз қилиб юришга мажбур бўлган.

## ☺ Латифалар ☺

☺ ☺ ☺

Нега ишга кеч қолдингиз?

-Уйдан кеч чиққандим...

Эртaroқ чиқсангиз бўлмасмиди?

-Эртaroқ чиқишга кеч бўлганди...

☺ ☺ ☺

Банк рост сўзга ҳам кредит берадимиз?

-Албатта...

-Агар пулни қайтармасамчи?

-Яратган ҳузурда уятга қоласиз

-Эҳ –ҳе бу қачон ҳам содир бўларди..

- Агар бешинчигача қайтармасангиз, олтинчи куни албатта Унинг ҳузурда бўласиз!

☺ ☺ ☺

Шер барча ҳайвонларни йиғиб, деди:

-Бугун орамиздаги энг кўрқoқ жониворни еймиз

Қуён ўртага чиқиб, бақира бошлади:

-Қани чўчкага биров қўлини теккизиб кўрсинчи!

☺ ☺ ☺

Котиба шефни олдига кириб деди:

-Бугундан бошлаб маошим 1000 доллар бўлади ва ойда тўрт кун дам оламан.

Шеф киноя билан деди:

-Яхши қиз, сизга буним ким уқтирди?

-Гинеколог билан адвокатим.

☺ ☺ ☺

-Сара, кел, яхшиси яжрашамиз?

-Йўқ, Абрам, бевалигимда уйландингми, энди бева қилиб қолдирасан!

☺ ☺ ☺

Чол олтин балиқни тутиб олди. Балиқ инсон тилида ўтина бошлади:

-Тила тилагингни?

-Пушкинни ўққанман, нима билан тугагини яхши биламан, шунинг учун дастлаб кампиримни алмаштирасан.



**БТФ Союз**  
ДЕНЕЖНЫЕ ПЕРЕВОДЫ

**ПРОСТОР**  
СОТВОРИ СВОЕ СЧАСТЬЕ САМ

**О Ф В** ORIENT FINANS BANK

## Эълонлар

Банк ўзбек ва қирғиз тилларини яхши биладиган, рус тилида эркин сўзлаша оладиган ўзбек қизларини ишга таклиф қилади. Қўшимча талаблар: чиройли кўринишга эга бўлиши, равон гапира олиши ва савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида тажрибали бўлиши керак. Маош суҳбатдан ўтишига қараб белгиланади. Ишга рухсатнома банк томонидан расмийлаштирилади. Резюме ни [editor@uzbegim.info](mailto:editor@uzbegim.info) манзилига жўнатиш.

Патентга эга хоҳлаган одам москваликлар оиласида рўзгор ёрдамчиси, ошпаз, боғбон, қоровул каби яхши маош тўланадиган турли вазифаларда ишланиши мумкин. Бирок, бундай ишларга Россия, Беларуссия, Украина фуқароларига кўра Ўрта Осиёлик одамларни камдан – кам оладилар. “Нега бундай?” деган саволга агентлик ходимлари одатда рус тилини билмаслик, тавсия йўқ эканини рўқач қиладилар. Ишончимиз комилки, юртдошларимиз орасида рус тилини яхши биладиган, тажрибага эга кимсалар кўп.

Ишончга келсак, “Ўзбегим” тахририяти муносиб номзодга ўз тавсиясини бериши мумкин. Бизнинг тавсиямизга кўра шундек ишончномани “Простор” лойиҳасини амалга ошираётган БТФ банки ҳам беришга тайёр. Шунинг учун “Ўзбегим” газетаси юқорида айтилган ишларга жойлашмоқчи юртдошларимизнинг анкеталарини йиғишни бошлади. Бунинг учун тахририятга рус тилида исми - шарифингиз, қандай ишни бажара олишингиз, сиз тахминан кўзлаётган маош, Ўзбекистон (Тожикистон, Қирғизистон) да сизга қимлар

яхши тавсиянома бера олиши мумкинлигидан иборат анкетани юборишингиз мумкин. Номзод дастлаб суҳбатдан ўтади, сўнг тавсияномага эга бўлади. Диққат! Номзод Россияда қонуний яшаётган бўлиши, рус тилини яхши билиши, ҳуқуқ – тартибот органлари билан муаммода бўлмаслиги шарт! Ушбу талабларга жавоб бермайдиган анкеталарни юбормасликни илтимос қиламиз! Анкеталарни [editor@uzbegim.info](mailto:editor@uzbegim.info) манзилига жўнатиш. Агар Интернет алоқасига эга бўлмасангиз, +7 926 9592014 рақамига СМС юборинг.

• Бугуни кунда Ўзбекистонга арзон нархда кўнғирок қилишнинг турлари кўп. Лекин А-ТЕЛ телефон карталаридан фойдаланиш энг қулай усуллардан бири. Унга кўра, Ўзбекистонга қилинажак кўнғирокнинг бир дақиқаси – 3 рубль, Тожикистон ва Қирғизистонга эса – 4,8 рублдан иборат. Уяли кўнғирок операторларининг тарифлари орғиб бораётган бир пайтда А-ТЕЛ карталари масаланинг ечимидир. Мухими, ушбу карта орқали “саккизлик” и ўчирилган хоҳлаган мобил ёки стационар телефонларидан, таксофонлардан кўнғирок қилишингиз мумкин.



(4212) 41-43-01  
8-800-202-5555  
[www.atel.su](http://www.atel.su)

Телефонные карты А-ТЕЛ -  
экономьте на междороде!

• “Безлимитный межгород” тарифи билан эркин суҳбатлашиш имкониятига эга бўлинг. Унга уланаётган пайт Россия бўйлаб ва ундан ташқаридаги шаҳарлар билан лимитсиз кўнғирок қилиш учун бонус оласиз. “Безлимитный межгород” – ойига 300 рублдан иборат лимитсиз алоқадир. Ушбу тарифга уланаётган пайтнинг ўзида бонусга эга бўласиз.

• Шаҳарлараро ва халқаро кўнғироклари янада қулайлик касб этмоқда. Шу йилнинг 1 май кунидан бошлаб уяли алоқа абонентларига “Мобильный межгород” тарифи тақдим этилган. “Мобильный межгород” тарифи бу – созланиши қулай, бир хил тарифли, роумингсиз арзон кўнғирокдир. Бошланғич баланс ҳисоб рақамига киритилган. Тариф қулайликлари:  
– ўта қулай тарифлар;  
– унга уланиш ва фойдаланиш жуда осон;  
– роуминг худудиди ҳам ишлайди;  
– абонент тўловисиз.

А -ТЕЛ карталарини барча уяли алоқа салонларидан сотиб олишингиз мумкин. Бордию, карталарни тарқатиш истаги туғилса, тахририятга мурожаат қилишингиз мумкин.

“Ўзбегим” газетасини БТФ банкининг офисларида олишингиз мумкин (6- бет)



**ЎЗБЕГИМ**

**Маърифий газета**

Издатель: Хабиб Абдуллаев при поддержке Регионального общественного фонда содействия межнациональному единению и сотрудничеству

Свидетельство о регистрации средства массовой информации  
ПИ №ФС77-24859 от 13.06.2006.

Тираж - 10 000 экз.

Главный редактор: Улугбек Далиев

URL: [uzbegim.info](http://uzbegim.info) E-mail: [editor@uzbegim.info](mailto:editor@uzbegim.info)

Тел.: +7(968)8945865 Номер для СМС: +7 926 959 2014